

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бозор муносабатлари шароитида мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир текисда ривожланиши, иқтисодий ўсишнинг юз бериши ва инфляция суръатини пасайтириш муҳим вазифалардандир. Бунда мамлакат миқёсида фаолият юритувчи хўжалик субъектларини молиявий ҳолатини яхшиланишини, бир маромда фаолиятини, мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни миқдор ва сифат жиҳатдан яхшиланиши, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватланиши, мамлакатда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни кучайтириш орқали мамлакат тўлов балансини мустаҳкамлаш ва валюта резервларини ошириш кабилар асосий йўналишлар ҳисобланади. Бу йўналишларни амалга ошириш асосан мамлакат банк тизимининг ҳолатига, тижорат банкларини кредитлаш имкониятларига жумладан, ликвидлиликнинг зарурий даражасини сақлаган ҳолда кредит ресурсларидан фойдалана олиш имкониятларини баҳолашга боғлиқдир. Бундан ташқари, кредитлаш тижорат банклари фаолиятида энг даромадли амалиётлардан ҳисобланиб, тижорат банкларининг молиявий ҳолатининг яхшиланиши, мустаҳкамланиши ва ресурс базасини ортишига олиб келади. Шундан келиб чиқиб тижорат банкларининг пассив операцияларини такомиллаштириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш, уларни даромадли ва реал секторларга жойлаштириш бутун банк тизимининг долзарб масалаларидан биридир.

Айни вақтда, республикамиз тижорат банкларининг депозит сиёсатини амалга оширишда, жумладан, уларнинг депозит базасини мустаҳкамлашда бир қатор ҳал қилинмаган масалалар, камчиликлар сақланиб колди. Чунончи, тижорат банкларининг депозит базаси таркибида трансакцион депозитлар салмоғининг нисбатан юқори даражада қолаётганлиги, тижорат банкларининг ресурс базасини шаклланишига

салбий таъсир кўрсатувчи мажбурий захира талабномаларининг мавжудлиги ва бошқа шу каби муаммолар мавжуддир.

Тадқиқот ишининг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари томонидан молиявий ресурсларни бошқаришнинг аҳамияти, йўллари ва бу борада Ўзбекистон банк тизимида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммоларни, уларни бартараф этиш масалаларини атрофлича ва тўлақонли ёритиб беришдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб тадқиқот ишида қуйидаги **вазифаларни** кўрсатиб ўтиш мумкин:

- банк ресурслари тушунчаси, уларнинг турлари ва шакллантириш усуллари ёритиш;

- кредит ресурслари сифатида ўз маблағларидан фойдаланиш, бу маблағларни етарлилигини аниқлаш ва баҳолаш, уларни кредит қўйилмаларига йўналтириш ва уларни таҳлили;

- жалб қилинган ресурслардан банкнинг кредит ресурслари сифатида ишлатилиши имкониятини баҳолаш ва ишлатилиши таҳлили;

- ҳозирги пайтда тижорат банклари томонидан ресурслар жалб қилиш ва уларни кредит қўйилмаларга йўналтиришни механизмини такомиллаштириш масалаларини ёритиш ва бошқа вазифалар.

I-БОБ. БАНК РЕСУРСЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ

1.1. Тижорат банки ресурсларининг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари

Банк фаолиятини ташкил қилишнинг илк босқичи бу банк ресурсларини ташкил қилишни кўзда тутаяди, яъни тижорат банклари мустақил банк сифатида фаолият бошлаши учун зарур бўлган жиҳатлардан бири бу тижорат банкининг фаолиятига асос солувчи ресурс – банк капиталига эга бўлишдир.

Шу боис банклар фаолиятини олиб бориш аввалом уларда етарли банк ресурсларининг мавжуд бўлишини тақозо этади. Банк ресурсларининг мукамал ташкил қилиниши ва ишлатилиши банк фаолиятининг самарали олиб боришига замин яратаяди. Бу ресурслар тижорат банкларининг тижорат ва хўжалик фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари фаолиятини ташкил қилишда банкларнинг ресурсларини шакллантириш ва уларни оқилона ишлатиш катта аҳамиятга эга. Тижорат банкларининг ресурс базасини шакллантириш нафақат янги миқозларни, балки ресурсларни жалб этиш манбалари тузилмасини доимий равишда ўзгартириб туришни ҳам ўз ичига олиб, тижорат банки активлари ва пасивларидан оқилона фойдаланишнинг таркибий қисми ҳисобланда. Пасивлардан самарали фойдаланиш тўғри депозит сифатини юритишни талаб қилади. Тижорат банклари ресурсларининг таркибини тадқиқот қилишдан олдин банк ресурсларининг иқтисодий моҳиятини кўриб чиқиш лозим деб ўйлаймиз.

Умуман ресурс сўзининг моҳиятини олиб қарайдиган бўлсак ресурс французча «ressource» сўзидан келиб чиққан бўлиб, пул маблағлари, қўрамчи маблағ, имконият, захира, маблағ ва имкониятлар манбаи, даромадлар манбаи деган маънони англатиши таъкидланган.

Ресурслар турли хилда, масалан, табиат ресурслари, иқтисодий ресурслар, одам ресурслари ва бошқалар бўлиши мумкин. Шундан иқтисодий ресурслар жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида тақсимландиган иқтисодий имкониятларининг (потенциалнинг) асосий элементларидан ҳисобланади. Ундан иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг аниқ мақсадларига эришишда фойдаланилади. Иқтисодий ресурсларнинг асосий қисми, бу молиявий ресурслар бўлиб-бу ресурслар иқтисодиётнинг ривожланишининг таъминлаш учун фойдаланиладиган пул-кредит ва бюджет маблағларини ташкил қилади. Молиявий ресурсларнинг асосий манбаи бўлиб, вақтинчалик бўш турган пул маблағлари, солиқлар, жисмоний шахларнинг пул маблағлари чек-депозит эмиссияси ҳисобланди. Биз шу молиявий ресурсларнинг ажралмас қисми бўлган банк ресурсларига кенгароқ тўхталмоқчимиз. Банк ресурслари тўғрисида и.ф.н. Б.Бобоев томонидан илмий тадқиқот олиб борилган бўлсада, бизнинг фикримизча, банк ресурслари ва уларнинг моҳияти ҳамда ишлатилиши билан боғлиқ саволлар мазкур муалифнинг ишида ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган. Республикада пул бозорини шакллантириш ва унда пул ресурслари билан операциялар ўтказишда банк стратегиясини ишлаб чиқиш учун банк ресурслари тушунчасини ва ўтказиладиган операцияларнинг моҳиятини тўлиқ аниқлаш лозим. Хорижий иқтисодий адабиётларни ўрганиб чиқишимиз шуни кўрсатадики, чет эл адабиётларида «банк ресурслари» тушунчасига кам эътибор берилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Э.Рид, Р. Коттер, Э.Пилл ва Р.Смитларнинг таҳрири остида чоп қилинган «Коммерческие банки» китобида банк балансини гуруҳлаштирган ҳолда кўриш, унда пул маблағларининг манбаларига эътибор бериш ва пул маблағларини кўриб чиқишда аввалам бор банкларнинг пассив операцияларини таҳлил қилиш зарурлиги уқтирилган.

Яна бир гуруҳ олимлардан Д. Полфреман ва Ф. Фордлар банк фаолиятини таҳлил қилишда банк ресурсларини кўриб чиқмасдан уларни банк пассивлари деб кўриб чиқишган ва улар банкнинг акционерлари

маблағлари ва жамғармачиларнинг маблағларидан ташкил топган деган фикрни билдиришган. Куриниб турибдики, хорижлик муаллифлар банк ресурсларини аниқ ифодалаб уларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш имкониятларини кўришдан кўра умуман тижорат банкларининг пассив операциялари ва пассивларига кенгрок эътибор беришган. Бу ҳолатни бир жиҳатдан ижобий баҳолаш мумкин, яъники хорижий банклар фаолиятида аввалам бор уларнинг мажбуриятлари ва уларнинг бажарилиши бизнинг фикримизча, асосий(биринчи) вазифа қилиб белгилаб олишган. Бу карашнинг иккинчи жиҳати шундаки, тижорат банклари шу ресурсларни ўз мажбуриятларини бажариши учун мукамал жойлаштиришни афзал кўради ва қаттиқ кредит сиёсатини олиб боради. Тижорат банкларининг фаолияти миқозлари олдида олган мажбуриятларини бажаришга қаратилган бўлади. Биз параграфнинг бошида ресурс тушунчасига таъриф берганда «ресурс» бу нафақат маблағ, балки у заҳира ва имконият ҳам деб ўтган эдик. Шундан келиб чиқиб «банк ресурслари» нафақат қарз мажбуриятлари ёки эгалик ҳуқуқини олиш учун маблағ жалб қилиш балки банк учун даромад келтирадиган заҳира ва имконият ҳамдир.

Банкнинг пассивлари ва унинг ресурслари тушунчаси бир хил тушунча эмас. Банк ресурслари банк пассивининг бир қисмини ташкил қилиш манбаи ва унинг ҳажми бир неча омилларга боғлиқ. Булар:

- банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган фаолияти;
- пул-кредит муомаласини бошқариш соҳасидаги Марказий банкнинг сиёсати;
- банк жалб қилинган маблағлари мажбурий заҳира миқдори ва бошқалар.

Иқтисодий адабиётлар ва банк маблағларининг шаклланиши бўйича олиб борилаган тадқиқотларда «банк ресурслари», «кредит ресурслари», «депозит ресурслари», «банк пассивлари», каби тушунчаларни учратишимиз

мумкин ва бу тушунчаларга муаллифлар томонидан турлича келтирилган таърифларнинг шоҳиди бўламиз.

Россиялик олим О.И.Лаврушиннинг фикрича, тижорат банкларининг ресурслари ёки «банкларнинг ресурслари» банкнинг ихтиёрида бўлган жалб қилинган ресурсларининг йиғиндиси бўлиб, унинг актив операцияларини амалга оширишда ишлатилади. Шундай фикрни бошқа муаллифларнинг ишларида ҳам учратиш мумкин. Тижорат банкларининг ресурслари ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ташкил қилинишини таъкидлаш, бизнинг фикримизча, уларнинг манбаларига кўпроқ эътиборни қаратади. Банк ресурсларининг зарурлиги банк фаолиятини ташкил қилиши ва олиб бориш натижасида шаклланади. Банклар ташкил қилинишининг илк босқичларида банклардан авваламбор ўз капиталининг мавжуд бўлиши талаб қилинади ва банклар фаолиятини қанчалик олиб бориш учун эса маблағлар жалб қилинишни талаб қилинади. Шу боисдан тижорат банклари ресурслари моҳиятини таърифланган нафақат уларнинг қайси манбалар ҳисобидан ташкил қилинганлиги эътиборга олишдан ташқари у маблағлар банкнинг мақсадли фаолияти учун зарур ва муҳимлигини, уларнинг самарадорлигига эришишни ҳам кўзда тутиши лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, банк ресурслари бу банк сиёсати доирасида банк фаолиятини амалга ошириш учун ишлатилиши мумкин бўлган, банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар, банкнинг даромад олишга асос бўлувчи захира ва имкониятларнинг йиғиндисидир деган таърифни келтирмоқчимиз. Бу таъриф орқали биз биринчи навбатда банк сиёсатининг амалга оширишда қўйилган вазифларидан келиб чиққан ҳолда банк ресурсларни турли манбалардан ташкил қилиниши таъкидлашимиз мумкин.

Тижорат банклари, бошқа хўжалик субъектлари каби ўзининг хўжалик ва тижорат фаолиятини таъминлаш учун маълум миқдорда пул маблағларига, яъни ресурсларига эга бўлишлари лозим. Иқтисодиёт ривожланишининг замонавий талабларида банк ресурсларини ташкил этиш муаммоси банк

фаолиятини бир маромда олиб бориш учун биринчи даражали ҳисобланади. Буни шундай изоҳлаш мумкин, яъни иқтисодиётнинг бозор моделига ўтиши билан банк ишида давлат монополияси тугатилади, икки босқичли банк тизимини шаклланишида банк ресурслари характери ижобий томонга ўзгаради.

Бундан ташқари, унинг актив операциялари объекти орқали аниқланадиган банк фаолиятининг кўлами, улар жойлаштирадиган ресурслар ҳажми, миқдори, жалб қилинган маблағлар суммасига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолат ресурсларни жалб қилиш бўйича банклар ўртасида рақобатни келтириб чиқаради.

Қолаверса банк ресурслари пул шаклида бўлсада тижорат банки фаолиятини кенг олиб бориб банкка маълум бир даромад келтира олиш кудратига эга бўлган захира ва имкониятдир. Тижорат банклари ўзининг кредит сиёсатини тузганда ёки узоқ даврга ўз фаолиятининг стратегик йўналишларини тузганда шу захира ва имкониятларининг кўламини кенг кўриб чиқиши ва ўзининг фаолият йўналишлари даромад манбалари сифатида назарда тутиши лозим.

Чет эл адабиётларида маблағларни жалб қилиш операцияларини нафақат тижорат банклари, балки молиявий компаниялар, жамғарма кассалари, турли хил фондлар бажаради деган фикрни учратиш мумкин. Албатта бозор муносабатларининг ривожланиши банклар фаолияти рақобатбардош молиявий институтлар ва фондларнинг шаклланишига олиб келади. Лекин фондларнинг фаолияти ва мақсади билан тижорат банкларининг фаолияти ва мақсади бир хил эмас. Турли фондлар ва муассасалар фаолиятидан кўра банкларда депозитлар суғурталанган кафолатлангандир. Турли бошқа молиявий муассасалардан кўра тижорат банклари бу маблағларни сақлаш ва рискдан ҳимоя қилишда маблағ эгасига ўз кафолатини бериши мумкин ва мижознинг ўз маблағини йуқотиши билан боғлиқ rischi банкларда бошқа фондлар ёки кассаларга нисбатан анча пастдир ёки деярли йўқ дейиш мумкин.

Банкнинг асосий вазифаларидан бири бўш пул маблағларини мумкин қадар кўпроқ жалб қилиш ва уларни бошқа фойда келтирувчи оптимал активларга жойлаштиришдан иборат.

Банк ресурслари банклар томонидан амалга ошириладиган пассив операциялари орқали ташкил топади ва банк балансининг пассив қисмида юритилади. Банк ресурсларини икки катта гуруҳга бўлиш мумкин. Булар: банкларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардир. Жалб қилинган ресурсларни баъзи ҳолларда иккига бўлиб қаралади. Бу жалб қилинган депозитлар, бошқа мажбуриятлар ва сотиб олинган ресурслардир. Бу ресурслар банкнинг актив операцияларини амалга оширишда ишлатилади, яъни банк ресурслари даромад олиш мақсадида турли хил соҳаларга жойлаштирилади. Банкнинг пассив ва актив операциялари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли пассивларнинг таркиби ва характери кўп жиҳатдан банкларнинг актив операцияларини амалга оширишда ўз ифодасини топади. Шу билан бирга ресурслар характериға банкларнинг кредитлаш сиёсатининг ўзгариши ҳам таъсир қилади.


Банк ресурсларининг асосий қисмини банк мижозларининг маблағлари ташкил қилади. Банк бошқа капиталларини жалб қилиш учун банк ўз капиталининг етарлилик даражаси миқдорини кўрсатиш лозим.

Тижорат банки ўз мижозларининг бўш турган маблағларини қарзга олиш билан бир вақтнинг ўзида, бу маблағларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мажбуриятини ҳам олади, шунинг учун банк барқарор ликвидликка эга бўлиши керак. Ишончлилик ва ликвидлилик тамойиллари тижорат банки мавжудлигининг зарур шартларидан бўлиб, улар аҳолининг бўш турган пул маблағларининг банкка сари оқимини таъминлайди. Ундан ташқари банкнинг аҳволи молиявий жиҳатдан кам самарали бўлган ҳолатда мижозлар ўз маблағларини қайтариб олишларига ишонч ҳосил қилишларига замин яратади.

Ресурслар ёрдамида банкларнинг ташкилий фаолияти амалга оширилади, кредитлар бериш салоҳияти, тўловлар амалга ошириш, банкларнинг даромадлари вужудга келтирилади.

Банк ресурсларининг айланишини қуйидагича ифодалаш мумкин.

1.1.1-расм



Банк ресурсларининг шаклланиши ва айланиши узлуксиз жараённи ташкил қилади ва бу эса ўз навбатида банклар фаолиятини доимийлигига асос ҳисобланади.

Алоҳида тижорат банклари учун банк ресурслари таркибий тузилиши турли хиллик билан фарқланади. Бу унинг ўзига хос хусусиятлари билан тушунтирилади. Иккита тижорат банкининг таркибий тузилиши қуйидаги маълумотлар билан характерланади.

1.1.1-жадвал

Банк ресурслари таркиби²

№	Кўрсаткичлар	Банк №1	Банк №2
I. Ўз маблағлари-жами шу жумладан		17,4	7,2
1.1	Устав фонди	3,9	1,3
1.2	Бошқа фондлар	9,4	3,2
1.3	Жорий йилдаги тақсимланмаган фойда	4,1	2,7
II. Жалб қилинган маблағлар-жами жумладан		82,6	92,8
2.1	Муддатли депозитлар	76,9	70,1
2.2	Муддатсиз депозитлар	4,3	4,3
2.3	Аҳоли қуйилмалари	0,3	0,4
2.4	Сертификатлар, векселлар	1,1	-
2.5	Банклараро кредитлар	-	18,0

¹ Абдуллаева Ш.З., Сафарова З.Б. “Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш”. -Т: “Iqtisod-Moliya”. 2007.

² Абдуллаева Ш.З., Сафарова З.Б. “Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш”. -Т: “Iqtisod-Moliya”. 2007.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, алоҳида тижорат банкларининг ресурслари структураси сезиларли фарқ қилади. Бу аввалам бор тижорат банкларининг ўз маблағларига таълуқли бўлиб, таҳлил қилинаётган банкларда уларнинг миқдори турличадир. Биринчи банкнинг ўз маблағлари иккинчи банкниқидан икки марта ортиқ. Биринчи банкда устав фонди 3,9 % - ни, ўз маблағлари суммасининг 22,3 % ни ташкил этган. Иккинчи банкда устав фонди 1,3 % ни, яъни ўз маблағлари суммасининг 18 % ни ташкил этган.

Жалб қилинган ресурслар биринчи банкда 82,6 % ни, иккинчи банкда 92,8 % ни ташкил этган. Бунда иккинчи банк банклараро кредитдан фойдаланган ва у 18,0 % ни ташкил этган. Биринчи банк эса аксарият ҳолларда мижозларнинг ресурслари билан ишлаган.

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банкларининг ресурсларини ташкил қилиш жараёнига катта аҳамият берилади. Шу сабаб ўтиш иқтисодиётини бошидан кечираётган деярли барча мамлакатларда тижорат банклари ресурсларини шакллантириш тизимида тубдан ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришларнинг бўлишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди. Булар:

- ✳ банклараро кредит бозорида Марказий банкнинг фаол иштирок этишининг таъминланиши ва бу ўз навбатида кредит рискинни камайтирганлиги;

- ✳ Иқтисодиётда тўловсизлик муаммосининг мавжудлиги ва кредитнинг қайтарилмаслиги оқибатида тижорат банкларининг зарар кўриш имкониятининг ошиши;

- ✳ аҳоли қўлидаги омонатларнинг ўсиши;

- ✳ корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва бошқалардир.

Банкларда мавжуд бўлган маблағлардан фойдаланиш имкониятига қараб банк ресурслари ўз ресурсларига ва қарз (сотиб олинган) ресурсларга бўлинади. Бу ҳолда банклар ресурсларига банк капиталидан ташқари маълум вақт давомида банк ихтиёрида бўлган жалб қилинган депозитларни, бошқа

банкларнинг депозитидан ва вакиллик ҳисоб рақамидан қолдиқларни, форвард валюта курси ва клиринг бўйича қолдиқларни ва бошқа депозитлар ва қолдиқларни ҳам киритиш мумкин.

Ундан ташқари банкнинг ихтиёрида мавжуд бўлган ресурслар унинг амалга оширилиши мўлжалланаётган актив операциялар учун етарли бўлмаса, зарур миқдордаги маблағларни марказий банкдан, нобюджет фондлардан, пул бозоридан сотиб олиши ёки қарзга олиши мумкин.

Шундай қилиб, ўз маблағлари ва жалб қилинган ёки сотиб олинган маблағлари йиғиндиси тижорат банкларининг ресурс базасини ташкил қилади.

Халқаро банк амалиётида банкларнинг ресурс базасини шакллантирувчи асосий манбаларга ўз капиталидан ташқари қуйидагилар киради:

- ✳ Юридик ва жисмоний шахсларнинг депозит ҳисоб варақларининг қолдиқлари;

- ✳ Банк томонидан юридик шахслар учун муомалага чиқарилган векселлар ва депозит сертификатлар;

- ✳ Олинган банклараро кредитлар;

Вакил банк томонидан очилган “лоро” (Востро) депозит ва валюта ҳисоб варақасидаги маблағлар ва бошқа манбалар.

Тижорат банкларининг ресурс базасини ресурсларнинг турлари буйича гурҳларга ажратиш мумкин.

Тижорат банкларининг ўз маблағларини оладиган бўлсак улар ўзининг ишончлилиқ даражаси буйича фарқланади.

Ўз маблағлари элементлари орасида (умуман резерв базасида) энг ишончлиги бу кредит ташкилотининг устав капиталидир. Устав капиталини шакллантирилиши (пайчилик ёки акциядорлик шаклида) тижорат банкни шаклланишини асосий нуқтаси ҳисобланиб, унинг миқдори - банк томонидан олинган мажбуриятларни бажарилишини таъминлайди. Бу банкнинг ўз маблағларининг энг консерватив усулидир. Устав капиталининг миқдори, уни

шакллантириш тартиби ва унга ўзгартиришлар киритиш банкнинг Низомида белгиланган бўлади. Устав капиталини ошириш янги пайларни ёки акцияларни муомалага чиқариш ёхуд соф фойдани капитализация қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Устав капиталидаги ўзгаришлар акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланиши ва Марказий банк рўйхатидан ўтиши керак. Ушбу жараённинг мураккаблиги туфайли банклар ўзларининг устав капиталларини оширишга интилмайдилар.

Банкнинг бошқа жамғармалари орасидаги муҳимларидан бири бу ахира капитали бўлиб, у тижорат банкларининг фойдасидан маълум бир фоизини ажратиш орқали ташкил қилинади, ва мажбуриятларни қайтаришга ва махсус заҳиралар ташкил қилинмайдиган банк операциялари билан боғлиқ хатарларни қоплашга сарфланади. Амалиёт шуни кўрсатадики, заҳира жамғармасининг миқдори ўтган йилларда ҳисобдан чиқарилган кредитлар бўйича келадиган зарарлар билан мос келмайди. Маблағларни ажратиш механизми ҳам яхши шаклланмаган, яъни заҳира капитали миқдори маълум бир суммага етгандан сўнг 5% дан кам бўлмаган миқдорда маблағлар ажратилади. Заҳира капитали одатда кредит хатари очик намоён бўлган банк кенгашининг қарори билан сарфланиши мумкин.

Банкнинг барча бошқа жамғармалари ҳам банкнинг соф фойдасидан ажратилади ва кредит ресурслари сифатида банк капитали таркибига киритилади.

Турли дебиторлар билан ҳисоблашишлар бўйича тузилган жамғармалар ҳам қонунчиликка асосан тижорат банкининг ўз маблағлари қаторидан жой олган. Шу билан бирга халқаро ҳисоб стандартларига асосан кредит ташкилотлари ушбу маблағларни ўз маблағлари қаторига киритмайди, балки уларни ўзаро мос дебиторлик қарз мажбуриятларидан айиришади. Бу эса заҳираларнинг иқтисодий моҳиятини, яъни улар ўзида актив даромад келтирадиган операцияларни акс эттиради. Шу сабабдан ҳам улар хатарли маблағлар ҳисобланади ва ишонч камлиги туфайли банкнинг ўз маблағлари таркибига киритилмайди.

Ишончлилик даражаси бўйича банкнинг ўз маблағлари ва уларга тенглаштирилган маблағларидан кейинги ўринда турувчи жалб қилинган ва қарз маблағлари бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирига боғлиқдир:

- Фуқароларнинг омонатлари ва юридик шахсларнинг депозитлари фоиз ставкалари миқдори;

- Омонат ва депозитларни қабул қилиш, ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларини очиш ва уларни юритиш шартлари.

Пассивларни ишончлилик даражасини пасайиб кетиши принципи жалб қилинган ва қарз маблағлари таркибини аниқлаш асосига қўйилган.

Тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари қарз маблағларидан шуниси билан фарқ қиладики, биринчисида маблағларни тақдим қилиш мижоз ва банк омонатчиларининг ташаббуси билан амалга оширилса, кейинги ҳолда - банк ташаббуси билан амалга оширилади.

Жалб қилинган маблағлар қаторида алоҳида ресурс сифатида кредит ташкилотларининг маблағларини ажратиш лозим. Чунки банклар - ишлаб чиқариш ва савдо ташкилотлари ёки хусусий шахслардан фарқли улароқ улар бир-бирлари билан операцияларни амалга оширишда банклараро бозорда қатнашишлари мумкин, шу сабабдан ҳам улар бир бирларини ликвидликларига ва молиявий ҳолатига таъсир кўрсатиши мумкин. Худди шу тамойил асосида қарз маблағларининг алоҳида бир гуруҳга марказий банк ва бошқа банклар олдидаги мажбуриятлар ҳам киритилади.

Бундан ташқари, ташқи объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатадиган юқори даражадаги рискли ресурслар қаторига норезидент банклар, корхона ва жисмоний шахсларнинг маблағлари киради.

Банк тизими ҳукумат томонидан каттиқ назорат қилинади. Бундан ташқари ҳамма банк ҳар кунга баланс тузади, бу эса назоратнинг яна бир воситасидир.

Нобанк секторидан жалб қилинган маблағлар қаторида ишончлилик даражасига кўра депозитлар (асосан муддатли депозитлар) муҳим ўрин тутаяди. Г.С. Панованинг трактовкасига асосан: депозитлар - «мижознинг банкка

маълум бир талаблари борлигини тасдиқловчи ҳисоблар ёки битимлар ва шартномаларга асосан миждозларнинг банкларга омонат шаклида қўйган пул маблағларидир».

Муддатли депозитлар олдиндан битимда ёки шартномада келишилган муддатга жалб қилинади. Умуман олганда, А.А. Казимагомедовнинг айтишича, ҳозирда доимий қолдиқни сақлаган ҳолда депозит ҳисоб рақамларидан пул маблағларини муддатдан ечиб олиш имконини берувчи ҳисоб рақамлар ҳам мавжуд.

Банк амалиётида жисмоний шахсларнинг депозитлари омонатлар деб юритилади.

Ишончли манбага эга бўлган депозитлар миждорини ошириб юбориш потенциали риск марказини ташкил қилиши мумкин. Шу сабабдан ҳам қўпгина мамлакатларда марказий банклар пул-кредит муносабатларини тартибга солишда депозитлар бўйича минимал (максимал) фоиз ставкаларини белгилаш инструментида фойдаланидилар.

Шу билан бирга, миждозларнинг ҳисоб ва жорий ҳисоб рақамларидаги қолдиқларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки бу маблағлар деярли текин ҳисобланади ва шу сабабдан бу маблағлар банкнинг кредит ресурслари қаторидан жой олиши мумкин. Бу маблағлардан усталик билан фойдаланилса уларни ўз маблағларига ҳам тенглаштириш мумкин.

Тижорат банкларининг барча ресурс базасидаги элементларни турли белгилар бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин.

Таҳлил мақсадида ва классификациянинг асосини қуйидаги белгилар келтирилган:

- А. Манбаи бўйича;
- В. Маблағларни кимга тегишлилиги бўйича;
- С. Муддатига кўра;
- Д. Қийматига кўра;
- Е. Ишончилилик даражасига кўра;
- Ж. Купайиш манбаига кўра ва бошқалар.

Қуйида тижорат банкларининг ресурслари тўғрисида янада чуқурроқ тушунчага эга бўлиш учун унинг таснифини келтирамиз. Бу тасниф иқтисодий адабиётларда келтирилган қисқача тавсифдан фарқли улароқ банк ресурсларининг манбаси, турлари кимга тегишли эканлиги, муддати, қиймати, ишончлилик ва риск даражасини кўрсатиш имкониятларини ўзида мужассамлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган.

1.1.2-жадвал

Тижорат банклари ресурсларининг таснифланиши³

Классификация белгиси	Ресурслар турлари	Изох
1	2	3
Манбаи	Ўз маблағлари	Низом, қўшимча капитал, захиралар, фойда ва зарарлар ҳисоб рақамидаги қолдиқ
	Жалб қилинган ва қарз маблағлари	Мижозларининг ҳамда вакил-банкларининг жорий, депозит, жамғарма ва бошқа ҳисоб рақамларидаги маблағлар; юридик шахслар томонидан олинган кредитлар
Маблағларнинг кимга тегишлилиги бўйича	Банкка тегишли	Ўз маблағлари: жамғармалар, тақсимланмаган фойда, тақсимотдан кейинги жорий даврнинг фойдаси, ўз маблағларини кўпайишига таъсир қилувчи харажатларни ҳисобга олмаган ҳолда эмиссион даромад.
	Банкка тегишли бўлмаган	Қарз, банклараро кредит, банклараро молиявий маблағлари ёрдам, муддатли қимматли қоғозлар Жалб қилинган депозитлар, махсус жамғармалар, ҳисоб қилинган рақамлардаги вақтинча бўш маблағлар, маблағлар банкнинг кредиторлик қарзлари, дебиторлар билан ҳисоблашишлар бўйича захиралар. Ўз маблағларига тенглаштирилган маблағлар
Муддатига кўра	Узоқ муддатли	Ўз маблағлари, уз маблағларига тенглаштирилган маблағлар (талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамларидаги минимал қолдиқлар), узоқ муддатли депозитлар, молиявий ёрдам.
	Қисқа муддатли	Қисқа муддатли депозитлар, корхона ва ташкилотларнинг талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамларидаги минимал қолдиқдан ортиган маблағлар
Қиймати	Тўловли	Ўз маблағлари, депозитлар, бошқа юридик шахсларининг кредитлари
	Нисбатан тўловсиз	Талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамлари, корхоналарнинг ҳисоб ва жорий ҳисоб рақамлари
Ишончлилик	Ишончли	Уз маблағлари, узоқ муддатли депозитлар, молиявий ёрдам

³ Абдуллаева Ш.З., Сафарова З.Б. “Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш”. -Т: “Iqtisod-Moliya”. 2007.

даражасига кўра	Ишончсиз	Қисқа муддатли депозитлар, талаб қилиб олингунча депозитлар, корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб ва жорий ҳисоб рақамлари
Кўпайиш манбаи	Ўз ички маблағлари Ташқи	Тақсимланмаган фойда Қимматли қоғозларни чиқариш (акция, облигация, векселлар), шу жумладан, конвертирланадиган, банк активларини сотиш, кўчмас мулкни ижарага бериш
	Жалб ички қилинган ташқи ва қарз	Қимматли қоғозларни конвертация қилиш Юридик шахсларни ҳисоб рақамларини очиш, фуқароларнинг омонатлари, юридик шахсларнинг депозитлар, банклараро кредитлар.

Тижорат банкининг ресурс базаси, умуман банк фаолияти каби мамлакатнинг Марказий банки томонидан назорат қилинади. Аммо бу ерда тесқари боғлиқлик ҳам бор. Масалан банк хизматлари бозоридаги объектив ҳолат қонунчиликда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларини ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Тижорат банкининг ресурс базасини ташкил қилиниши, таҳлили ва бошқарилиши умумий объектив иқтисодий қонунлар ва банк тизимини тизимли текширувига асосланади.

Юқорида тавсия қилинган тасниф бизнинг фикримизча банклар фаолияти учун зарур бўлиб тижорат банклари ўзида мавжуд бўлган ресурсларни қайси манбадан, қандай қийматда, қанча муддатга жалб қилинганлиги туғрисида яққол тасаввурга эга бўлади. Ундан ташқари бу тасниф асосида тижорат банклари маблағлар қайси субъектга тегишли эканлиги ва бу субъектнинг молиявий аҳволи, унга шу маблағлар қайси муддатга зарурлиги ёки бошқача қилиб айтганда уларнинг ликвидлилик, ишончлилик даражаси, шу маблағлар бўйича мавжуд рисклар ва уларнинг даражасининг аниқлашга ва шу омиллар асосида чора-тадбирлар амалга ошириб банкларнинг ресурс базасини барқарор ушлаб туришга ёрдам беради.

1.2. Тижорат банки ресурсларини бошқариш усуллари ва концепциялари

Бозор муносабатлари ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда банк соҳасини ривожлантириш ва иқтисодий жиҳатдан юксалтириш учун кредит муассасаларини барқарорлигига эришиш жуда муҳимдир. Шунинг учун тижорат банклари тармоғини кенгайтириш ҳамда улар ўртасида депозитлар, банклараро кредит ва бошқа ресурсларни жалб этиш учун рақобатни юзага келтиришга катта эътибор берилмоқда.

Кенг маънода банк ресурсларини бошқариш, омонатчилар ва бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб этиш ва мазкур банк учун маблағлар тегишли комбинациясини белгилаш билан боғлиқ фаолиятдир. Тор маънода эса, банк ресурсларини бошқариш деганда, заруратга кўра қарз маблағларини фаол равишда топиш йўли билан ликвидликка бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган чора-тадбирлар ва ҳаракатлар тушунилади. Пассив операцияларни бошқаришда банк қўшимча риск қилишдан ташқари, маблағларни жалб этиш харажатлари билан ушбу маблағларни қарз ва қимматли қоғозларга жойлаштиришдан олиниши мумкин бўлган даромад ўртасидаги нисбатни эътиборга олиши керак. Бинобарин, активларни бошқариш ва пассив операцияларини бошқариш ўртасидаги ўзаро алоқа банкнинг фойда кўриши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.


Ресурслар негизи банк фаолияти учун биринчи даражали аҳамиятга эга. Биз биламизки, тижорат банклари актив операцияларни ўзларида мавжуд бўлган ҳамда жалб этилган пул маблағлари манбалари доирасидагина амалга ошира оладилар. Бинобарин, айти банкнинг пассив операциялари унинг актив операцияларининг ҳажми ва миқёсини белгилайди. Банк ресурсларини шакллантириш ва мақбуллаштириш жараёни, тижорат банкларининг ресурс салоҳиятини ташкил этадиган пул маблағлари барча манбаларини бошқариш сифатида муҳим аҳамият касб этади. Банклар барқарор ресурслар потенциалини ошириб бориш учун қарз маблағларини кенг жалб этадилар.

Банк қарз маблағлари ҳисобига активлар жами миқдорининг 80 фоиздан кўпроғи шаклланади. Қарз маблағларини жамлаш имконияти кўп жиҳатдан қўйидаги ташқи омилларга:

- иқтисодий фаоллик даражасига;
- минтақанинг ривожланганлик даражасига;
- муқобил қўйилмалар имкониятларига;
- инфляция юзасидан қилинадиган тахминларга ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Шуни айтиш керакки, тижорат банклари ўз фаолиятларини доимо турли иқтисодий субъектлар орасида бўлиб ўтадиган турли-хил иқтисодий алоқаларнинг ўзгарувчан шарт-шароитларида олиб боришади. Бундай алоқаларнинг умумийлиги тижорат банкларининг иш фаолиятини юзага келтиради ва бу фаолият ўз таъсирини тижорат банкларининг иш олиб бориш характери ҳамда барқарорлигини кўрсатади. Тижорат банкларининг фаолият олиб бориш муҳити икки хил йўналишда кўриб чиқилади: макромуҳит (банкнинг ташқи муҳитдаги фаолияти), микромуҳит (банкнинг ички муҳитидаги фаолияти).

Макромуҳит тушунчаси (1.2.2-расм), банкнинг ташқи омиллар билан бўлиб ўтадиган кенг алоқаларидан келиб чиқади. Бундай алоқалар банк учун ташқи муҳитни ташкил қилади ва унга қуйидаги шарт-шароитлар: узлуксиз давом этиб келаётган иқтисодий шароит, табиий шароит, илм-фан-техник шароит, демографик шароит, маданий шароит ва бошқалар киради.

Тижорат банкининг макромухит концепцияси⁴

Иқтисодий шароит, ҳар бир тижорат банкининг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини тўлиқлигича ифодалаб туришини таъминлайди. Мамлакатдаги умумий, иқтисодий вазият, аҳоли ҳамда фаолият олиб борувчи субъектларнинг иқтисодий фаоллик даражасини аниқлаб беради ва аҳолининг истеъмол қилиш ҳамда жамғариш фаоллигига ўз таъсирини кўрсатади. Бундан ташқари, ҳар бир аниқ иқтисодий вазият капитални иқтисодиётнинг турли йўналишларига тақсимлашга ва, ўз навбатида, бундай тақсимланган капитал банк мижозлари гуруҳларига тақсимланишига ёрдам беради.

Табиий шароит, бевосита ёки билвосита банк мижозларининг иш фаолиятига таъсир қилади, чунки у табиий ресурсларнинг ишлатилиши, уларни кўриқланиши ва табиий офатларнинг юзага келишининг олдини ола билиш борасида алоҳида аҳамият берилиши лозим бўлган муҳит ҳисобланади.

Илм-фан техник шароит, банк учун илм-фан ва техника томонидан яратилган технологияларни ишлатиш ва улар орқали ўз мижозларига

⁴ Ш.З.Абдуллаева, Т.М.Қоралиев, У.Д.Ортиқов “Банк ресурслари ва уларни бошқариш”-Тошкент.: «IQTISOD-MOLIYA»-2009й.

замонавий, банк хизматларини кўрсатиш, уларнинг хизматлар сифатини янада ошириш ва янги хизмат турларини таклиф қилиш шарт-шароитларини яратиб беради.

Сиёсий шароитга, авваламбор, ҳукумат органлари томонидан қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий ва меъёрий актлар киради. Ҳукумат уларга риоя қилинишини доимо назорат қилиб боради. Марказий банк эса тижорат банклари устидан назорат қилиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб туради. Мамлакатдаги барқарор сиёсат, сиёсий ҳолат банк тизимининг барқарорлиги асосини таъминлайди.

Маданий шароит, жамият аъзолари хулқ-атворини аниқлашга ёрдам беради. Жамиятда риоя қилувчи маданий нормалар ва хулқ-атвор, қонун ва қоидалар мазкур жамият ривожланиши учун муҳим ҳал қилувчи омил сифатида таъсир қилиш мумкин.

Демографик шароитни ўрганиш, банкнинг бозордаги ўрнини аниқлашда ва шу орқали ўзига керакли бўлган мижозлар тўпланини жалб қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Банкни бундай мижозларга нисбатан қўйидаги маълумотлар қизиқтиради: туғилиш даражаси, мижозларнинг ёши, миграция коэффиценти, аҳолининг билим олиш даражаси ва уларнинг қаерда ишлаши, қанча даромад олиши, яъни тўлай олиш қобилияти, обрўси ва бошқалар қизиқтиради.

Банкнинг микромуҳити унинг ўз ички фаолиятдан келиб чиқади, шу билан бирга, бу ерда: банкнинг хизмат турлари, ҳисоб-китоб турлари, тўлов усуллари маҳсулот етказиб берувчилар, воситачилар, мижозлар ва банкнинг ўз ходимлари уларнинг касб маҳоратлари инобатга олинади.

Тижорат банклари турли хил хизматлар кўрсатишга ихтисослашиб, ўз олдиларига турли хил масалалар қўйиб, уларни ҳал қилишга ҳаракат қилишади ва бунинг натижасида уларнинг ташкилий тузилмаси бир меъёردа сақланиб турмаслиги юзага келиши мумкин.


Тижорат банки ичидаги алоқаларнинг қай даражада муҳимлигини баҳолаш қийиндир. Бундай алоқалар нафақат формал, ташкилий тузилишига,

балки тижорат банкининг ички тартиб-қоидалари ва ундаги ноформал бўлган алоқаларга боғлиқдир. Бундай шароитлар банк ходимлари иш активлигини яратади ва барча ходимларни ишга ёндаштиради.

Банкнинг микромуҳитида (3-расм), мижозлар муҳим ўрин тутди. Мижозларнинг қай даражада банк учун фойдалилиги ва таркиблантирилганлиги банкка молиявий ресурсларнинг жалб қилиниши ва уларнинг сифатли жойлаштирилишига имкон беради ва банкнинг иш унумини таъминлайди.

1.2.3-расм

Тижорат банкининг микромуҳит концепцияси⁵



Банкнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан бўлган ўзаро алоқалари доимий бўлмаслиги мумкин, чунки тижорат банки кундалик иш фаолиятида ишлатиш учун зарур бўлган компьютер жихозлари, канцелярия буюмлари, пломбалар ва бошқа жихозларни маҳсулот етказиб берувчидан доимий равишда сотиб олмайди, лекин шунга қарамасдан туриб банк ва маҳсулот етказиб берувчилар орасида алоқалар доимий равишда мутаносиб ушланиб туриши керак.

Банклар ўз фаолияти давомида икки турдаги воситачилар билан ишлар олиб бориши мумкин. Буларнинг биринчиси, маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўлса; иккинчиси молия-кредит муассасалари билан узвий боғлиқликдаги қўйидаги уч йўналишдаги:

⁵ Ш.З.Абдуллаева, Т.М.Қоралиев, У.Д.Ортиқов “Банк ресурслари ва уларни бошқариш”-Тошкент.: «IQTISOD-MOLIYA»-2009й.

1. Қимматли қоғозлар билан олиб бориладиган операциялар;
2. Бажарилаётган молиявий операцияларни суғурталаш;
3. Кредит ресурсларини сотиб олиш ёки сотиш билан боғлиқ операциялар киради.

Кўп тижорат банклари ўз иш фаолиятларини рақиблар орасида олиб боришади. Охирги йилларда банкларнинг ривожланиб кетиши улар орасида рақобатнинг ўсишига сабаб бўлди. Бу эса, нафақат, бозор ва мижозлар фаолиятини ўрганиб чиқиш, балки рақиблар фаолиятини ҳам доимий равишда ўрганиб боришни талаб қилмоқда. Ҳозирги кунларда, банклар яхши обрўга эга бўлиш ва максимал фойда олиш учун ўз рақибларини ўрганишга кўп вақт ва маблағ сарфлашмоқда. Бунга асосий сабаб, биринчидан – тижорат банки ликвидлик муаммосини қўшимча пул маблағларини капитал бозоридан сотиб олиш йўли билан ҳал эта бориши мумкин. Реал тарзда ушбу фикр-мулоҳаза ғарб мамлакатларида амалда рўёбга чиққан.

Иккинчидан – тижорат банки ўз ликвидлигини Марказий банкдаги кенг миқёсда қарзга бериладиган пул маблағларидан ёки вакил банкларидан қарзга олинадиган, шунингдек, евровалюталар бозоридан олинадиган қарзлардан фойдаланиб ликвидлиликни таъминлаши мумкин.

Кейинги йилларда банклар ўз ликвидликларини таъминлаш учун кенг миқёсда қарз олишдан фойдаланмоқдалар. Қарз маблағларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш кейинги йилларда банк кредитларига талаб ошганлиги ва талаб қилингунгача омонатлар нисбатан секин кўпаяётганлиги билан белгиланади. Иқтисодий фаоллик кучайиши ва инфляция суръати ошиши хўжалик фирмаларининг кредитларга бўлган эҳтиёжлари ошишини англатади. Бундан ташқари, фирмалар ҳам, хусусий шахслар ҳам фоиз ставкаларига нисбатан сезгирроқ бўлиб қолганлар. Шу муносабат билан, таъкидлаб ўтганимиздек, талаб қилингунгача депозитлар кўпайиши секинлашди. Харажатлар кўпайиши банкларни ўз ресурсларидан тўлиқроқ ва унумлироқ фойдаланишга ундади. Банкларнинг маблағларга эҳтиёжи вақти-вақти билан ошади. Банклар ушбу вақтинчалик эҳтиёжни халқаро амалиётда

банклараро кредитлар, захира фондлари, РЕПО битимлари ёки евродолларлар бозоридан қарз олиш ёрдамида қондирадилар.

Банк ресурсларини бошқаришнинг асосий концепцияларининг жуда кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, банклараро кредитлар назарияси ҳисобланади.

Банклараро кредитлар назарияси Марказий банк ёки вакил банкдан қарз олиш захираларнинг (бинобарин, ликвидликнинг ҳам) ҳолатини тузатиш учун маблағларни сафарбар этишнинг «ҳисоб ойнаси» (discount window) деб ҳам номланадиган бир усулидир. Захираларни бараварлаштириб боришнинг ушбу усули кенг тарқалмаган бўлса-да, бундай қарзлар Марказий банк томонидан назорат қилинади.

Маблағ жойлаштиришдан наф кўришдан ташқари, кредитор банклар банк фаолиятининг бошқа масалалари бўйича ҳам амалий шерикчилик муносабатлари ўрнатиш имкониятига эга бўладилар. Молиявий барқарор катта банклардан ташқари, ташкил қилиниш, ривожланиш босқичида турган банклар бўш кредит ресурсларига эга бўлади. Улар ҳозирча мижозлар етишмаслиги даврини бошдан кечиришмоқда.

Кредит ресурсларининг ўрнини қоплаш муддатлари турличадир. Халқаро амалиётда 1, 3 ва 6 ой муддатидаги депозитлар, бир кундан токи бир неча йилгача энг юқори муддатлилар кўпроқ тарқалган. Банклараро кредит бўйича ставка одатда, хўжалик юритувчиларга берилган кредитлар бўйича белгиланадиган фоиз ставкаларидан пастроқ бўлади ва Марказий банкнинг расмий ҳисобга олиш ставкасига мувофиқ равишда тузатилади. Қарз олувчи банк бошқа банклардан кредит ресурслари жалб этишига унинг ўз мижозларининг қарз маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириши, яъни ўз кредит қўйилмаларини кенгайтириши ҳамда банк ликвидлигини тартибга солиб бориш зарурияти сабаб бўлади. Банклараро кредит жалб этиш иккита усулда: мустақил равишда, тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ёки молиявий воситачилар орқали амалга оширилади. Банкларнинг ўзлари банклараро кредит тўғрисида келишган тақдирда уларнинг муносабатлари

махсус шартнома билан расмийлаштирилади. Банклараро шартномаларнинг аксарияти муддатли шаклда, қолганлари эса муддатсиз шаклда тузилади. Иқтисодий барқарорлик бўлмаган шароитда кредит бозорида қандай вазият юзага келишини ва банкнинг молиявий аҳволи қандай бўлишини олдиндан билиш қийин. Чунки, кредит ресурслари етишмаслиги ёки ортиқча бўлиб қолиши мумкин.

Банклараро шартноманинг муддатсиз шакли банклараро кредитни шартномада белгиланган энг қисқа муддатга беришни кўзда тутди. Бу муддат туганидан кейин кредит муддатсиз кредитлар тоифасига ўтади, яъни кредитор – банк томонидан олинган маълум қилинган ҳолда исталган пайтда талаб қилиб олинishi мумкин. Кредит ресурсларини қарзга олган банк уларни қайтариш имкониятига эга бўлмаса, у бошқа банкларнинг муддатли қарзларидан фойдаланади.

Бўш ресурслар жалб этиш (жойлаштириш) тўғридан-тўғри (сотувчи-харидор) эмас, балки воситачи иштирокида кечади. Банкларнинг ўзлари, брокерлик идоралари, фонд биржалари, молия уйлари, кредит дўконлари шу йўсинда қатнашишлари мумкин.

Банклар ресурсларини бошқаришнинг асосий концепцияларидан яна бири евродоллар бозоридан қарз олиш назарияси ҳисобланади.

Евродоллар бозоридан қарз олиш йирик тижорат банклари учун пассивларни бошқариш инструментиدير. Ундан чет элда филиаллари бўлган банклар ҳам, бундай филиаллари бўлмаган банклар ҳам фойдаланади. Евродоллар – АҚШ долларларида ифодаланган ва АҚШ дан ташқаридаги тижорат банкларида, шу жумладан, Америка банкларининг филиалларида сақланадиган қўйилмалардир. Евродоллар АҚШ банкининг америкалик ёки чет эллик омонатчиси чет элдаги банкка ёки Америка банкининг филиалига маблағ ўтказганида юзага келади. Ушбу операция ўтказилиши натижасида АҚШдаги омонатга эгаллик қилиш чет элдаги молия муассасасига ўтади. Бу муассасанинг АҚШ долларларида қопланиши шарт бўлган мажбурияти юзага келади. Мазкур ҳолда АҚШдаги жами банк қўйилмалари ўзгармасдан

колади. Лекин чет элда АҚШ долларларидаги янги депозит мажбурияти – евродолларлар пайдо бўлади.

Захира фондларини олиш назарияси. Ликвидликни таъминлаш мақсадида кредитдан фойдаланишнинг кенг тарқалган усулларида биридир. Ушбу фондлар Марказий банкдаги ҳисобварақларда сақланадиган депозит колдикларидир. Кутилмаганда қўйилмалар оқими кела бошлаган ёки ссудалар қисқарган тақдирда тижорат банкларида ортиқча захиралар юзага келиши мумкин. Бу маблағлар даромад келтирмаслиги сабабли, банклар уларни қисқа фурсатга бошқа банкларга фойдаланиш учун бериб қўядилар. Захиралар мажбурий ҳажмини тиклаш ёки активлар сотиб олиш учун маблағга муҳтож бўлган банклар эса ушбу ортиқча маблағларни бажонидил сотиб оладилар.

Захира фондларига оид бир кунлик операциялар ўз моҳиятига кўра, ссудалар билан таъминланган бўлади. Баъзан банкларнинг бири бошқасига давлатнинг қимматли қоғозларини сотадиган бўлса, битим қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги битим шаклини касб этади. Бундай битимлар, одатда, бир кунлик муддатга мўлжалланади. Лекин айрим битимлар бўйича тўлов муддати бир ҳафта ёки, ҳатто, бир неча ҳафтани ташкил этиши мумкин. Захира фондларига оид операциялар механизми оддийгинадир. Таъминланмаган типик битим тузилган тақдирда иккита банк шарт-шароитлари тўғрисида келишади, сотувчи банк Марказий банкка белгиланган миқдордаги маблағни ўзининг захира фондидан харидор банкнинг захира ҳисобварағига ўтказишни таклиф этади. Кейинги куни банк очилиши чоғида, аксинча, битим амалга оширилади. Фоизлар одатда алоҳида чек билан тўланади.

Банклар ресурсларини бошқаришнинг концепцияларига қайтариб сотиб олиш тўғрисида битимлар назариясини ҳам қўшишимиз мумкин.

Қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги битимлар назарияси. Захира фондларига оид банклараро операцияларга қўшимча равишда банклар билан давлат қимматли қоғозлар бўйича диллерлар ҳамда бошқа инвесторлар

ўртасида шуларга ўхшаш битимлар амалга оширилади. Бу битимлар қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги битимлар (repurchase agreements IRF) ёки шунчаки (Репо) деб номланади. Бундай битимда активларни сотиш қайтариб сотиб олиш шартлари асосида белгиланган кунда ва олдиндан келишилган нархда амалга оширилади. Бундай битимлар вақтинча бўш маблағлар учун муҳим канал бўлиб қолган. Чунки, уларнинг иккала томонининг эҳтиёжларига мослаштириш осон. Улар бир кундан бир неча ойгача муддатга тузилиши мумкин. Лекин кўпинча қисқа муддатга тузилади. Таввакалчилик хатари юқори эмаслиги «Репо»нинг афзаллигидир. Чунки «Репо» битимлари – банк захираларини бараварлашти-ришнинг энг яхши воситасидир. Банк активларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятини олган ҳолда сотганидан тўлов харидорнинг депозит ҳисобварағини дебетлаш йўли билан ёки бошқа банкка ёзиб берилган чек орқали амалга оширилади. Биринчи ҳолда, банкнинг мажбурий захиралари камаяди. Чек олганида эса номига чек ёзилган банкнинг захираларига нисбатан сотувчи банкнинг муайян ҳуқуқлари юзага келади. Одатда, бундай қимматли қоғозлар объект бўлса-да, ссудалар ҳам шундай объект бўлиши мумкин.

Қисқа муддат ичида пассивларни бошқариш кўйидаги қоидаларга риоя этишни назарда тутаяди: активлар ва пассивларни қайтариш муддатларидаги узилишлар ёки турли вақт оралиқларидаги фоизларга сезгир активлар ва пассивларнинг ҳажмлари ўртасидаги номувофиқликларни синчковлик билан кузатиб бориш. Фоиз ставкалари динамикасини ҳисоб-китоб ставкасидан фарқли бўлса, ликвидликнинг сусайиш хавфи ошади; фондлаштириш манбалари бўйича таваккалчиликларни диверсификациялаш ва ресурсларни тўлдиришнинг муқобил тарздаги хилма-хил манбаларини топиш.

Хулоса қилиб айтганда, банк ресурсларини бошқаришда банк хизматлари бозорини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай таҳлил ушбу минтақадаги бошқа банкларнинг қўйилмаларини жалб этиш шарт-шароитлари тўғрисида ахборот беради. Банк қўйидагиларни: қўйилмаларга оид манфаатлироқ шарт-шароитларни; янги молиявий маҳсулотларни;

қўшимча хизматларни (масалан, бозор тўғрисидаги ахборотни ва бошқа кредит муассасалари фоиз ставкаларининг таққосланиши); хизмат кўрсатишнинг хилма-хиллигини таъминлаш даражасини ошириш ва бу асосда банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш катта аҳамиятга эга.